

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР

Ахмедов Жасурбек Зокиржонович¹

Жўраев Музаффарбек Рустамович²

**¹Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институтининг “Музейшунослик” кафедраси ўқитувчиси,
т.ф.ф.д (PhD)**

**²Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
“Тасвирий санъат” кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6983010>**

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи олтин водий тарихининг барча даврларига оид ноёб экспонатлар сақланадиган маънавий-маърифий масканлардан биридир. Музейшуносликда қадимий ҳисобланган мазкур даргоҳ 1894 йил 16 октябрдан 17 ноябргача Янги Марғилон шаҳрида ўтказилган биринчи қишлоқ хўжалиги ва саноат кўргазмаси асосида ташкил этилган[1]. Унинг илк экспонатлари турли соҳаларга оид бўлиб, музейнинг ташкил этилишига туртки бўлди! Бир йил ўтиб, 2 ноябрда Фарғона вилояти музейига раҳбарлик қилиш ва янада ривожлантириш учун махсус қўмита таъсис этилди. Ҳукуматга тегишли бинонинг иккинчи қаватидан музей учун махсус 4 та хона ажратилди. 1897 йилнинг 4 июлида музейнинг Низоми тасдиқланди. Шу даврда музей фондида 1200 та буюм ва китоблар жамланган эди. Икки йил давомида музей фонди 2223 та экспонатга кўпайди. Ва 1899 йил 26 майда Фарғона вилояти ҳалқ музейининг тантанали равишда очилиш маросими бўлиб ўтди[2].

Музей уч қаватли бинода жойлашган бўлиб, унинг умумий майдони 4220 квадрат метрни ташкил этди, шундан 1890 квадрат метри эса экспозиция залларидан иборат. Бинода фондлар учун алоҳида хоналар ташкил қилинди, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, музейда илмий-тадқиқот ва маърифий ишлар олиб бориш ҳамда маърузалар ўқиш учун шароитлар яратилди. Музейда мунтазам равишда турли мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар, маърузалар ва бошқа тадбирлар ўтказилиб турилади.

Собиқ совет Иттифоқи даврида ўлкашунослик музейида бир мунча ўзгаришлар содир бўлди. Таъкидлаш жоизки, ўша даврларда Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи фонди учун турли даврларга оид бой коллекция йиғилди. Ҳозирги пайтда музей экспонатларининг умумий сони 90 мингдан ортиқ бўлиб, улардан 700 таси ноёб экспонатлар сирасига кирилади. Булар – археологик, нумизматик, этнографик, амалий ва

тасвирий санъат намуналари бўлиб, қўлёзма ва қурол-аслаҳалардан иборатдир. Мисол учун 1998 йилда музей фонди Қува шахристони қазилмаларидан топилган X-XI асрларга тегишли бронза ва темирдан ясалган ҳамда кулолчилик буюмларидан иборат 1120 та экспонатлар билан тўлдирилган[3].

1928 йилда музей фондида 108 дона археологик намуналар сақланар эди. 1939-40-йилларда Катта Фарғона каналининг қурилиши муносабатига кўра археологик экспедиция уюштирилди. Натижада кўплаб археологик топилмалар музей коллекциясига топширилди. 1950-1952-йилларда музей фонди Боркорбоз мазори, Қува шахристони ҳамда Муғпошшо ёдгорликларидан топилган материаллар билан тўлдирилди. 1953 йилдан бошлаб, музей илмий ходимлари, археологлар – Н.Г.Горбунова ва Б.З.Гамбурглар водийнинг қадимги даврларига оид ёдгорликлари қазилма ишларида фаол қатнашиб тўрт йил мобайнида музей коллекциясини 2,5 минг дона буюмга кўпайтиришди[4]. Орадан ярим аср ўтиб, 2010 йил ҳисоботи бўйича музейнинг фақат археологик коллекцияси 11 минг донадан ортганлигини қайд қиламиз[5].

Ўлкашунослик музейи нумизматика бўлимининг дастлабки бойлиги маҳаллий аҳоли томонидан тақдим этилган Қўқон хонлигининг мис тангалари ташкил қилган. Дастлаб коллекцияда 200 дан зиёд танга жамланган эди. 1928 йилда Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи Тошкентда қарор топган Ўрта Осиё музейи билан ўрнатилган алоқалари натижасида нумизматика бўлими коллекциясига Романовлар сулоласига мансуб мис ва кумуш тангалар ҳамда Иван IV даврига оид кумуш тангалар келиб тушган. Шу йилдан бошлаб нумизматика фонди алоҳида бўлим сифатида ташкил қилинди. Музей илмий ходимлари Катта Фарғона канали қурилишида қатнашиб топилган тангалар билан нумизматика бўлимини тўлдирган бўлса, 1951-1958-йилларда археологлар – Н.Г.Горбунова ва Б.З.Гамбурглар олиб борган археологик қазилмалар натижасида қадимий ёдгорликлардан топилган “Тургеш” туридаги тангалар коллекцияни янада бойитди. XXI аср бошларига келиб, музейнинг нумизматика бўлимида эрамининг II-I асрлари ҳамда эрамининг бошларидаги Салавкий ва Кушонлар даври тангалари, илк Ўрта асрларга оид Византия тангалари, VII-VIII асрлардаги Турк ҳоқонларининг тангалари, Бухорхудотлар дирҳамлари, Аббосийлар ҳалифалиги салтанатида муомалага киритилган тангалар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлари томонидан зарб этилган олтин, кумуш, бронза ва мис тангалар сақланади. Шу билан бирга, XVIII

асрдан ҳозирги пайтгача дунё мамлакатларида муомалада бўлган ноёб тангалар коллекцияси мазкур фонддан жой олган. Коллекциянинг умумий сони 8 мингдан ортиқдир[6].

Қайд қилиш жоизки, ер тўғрисида атига икки дона ҳужжат билан бошланган қўлёзма ва ҳужжатлар коллекцияси бугунги кунга келиб, 11000 дан зиёд экспонатни ташкил этади. Мазкур коллекция 1972 йилдан буён махсус коллекция бўлими сифатида қайд этилади. Қўлёзма ва ҳужжатлар коллекцияси: қўлёзма ва тошбосма асарлар, Қўқон хонларига мансуб ёрлиқлар, ер-сув масалаларига доир қозилик ҳужжатлари, Россия даврида чоп этилган китоблар, статистик ҳисоботлар, XIX аср охири XX аср бошларида фаолият юритган Фарғона вилояти ҳақидаги маълумотлар тўплами, водийнинг бой тарихи, табиати ҳамда фойдали қазилмаларига доир илмий ва амалий адабиётлари, хариталар, шунингдек, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи билан боғлиқ турли ҳужжатлардан иборат эканлигини эътироф қиламиз. Қўлёзма ва ҳужжатлар коллекциясининг нодир намуналари сифатида: XV асрда ёзилган ер тўғрисидаги ноёб васиқа, Қўқон хонларидан – Мадалихон, Шералихон ва Худоёрхон томонидан берилган ёрлиқлар, Худоёрхонга тортиқ қилинган муқаддас Қуръони Карим китоби, шариат масалаларига доир “Ал-Ҳидоя”, “Мухтасар ул-виқоя” китоблари ёки Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Бедил, Муқимий, Фурқат, Нодира, Увайсий ва бошқа мутафаккир шоирлар ижодига мансуб қўлёзма асарларини санаб ўтиш мумкин.

Шунингдек подшо Россияси давридаги Фарғона вилоятининг статистик обзорлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Худоёрхоннинг сарой кутубхонасидан олиб келинган, номаълум ҳаттот томонидан маҳаллий қоғозда кўфий хатида санъаткорона кўчирилган 507 бетдан иборат Қуръони Карим китоби ушбу коллекциянинг энг нодир ва бебаҳо экспонати ҳисобланади. Муқаддас китоб муқоваси пишиқ теридан тайёрланган ва сарғиш тусдаги рангда қолипланган. Қуръони Карим саҳифаларининг 75 жойига Худоёрхоннинг “вақф фисабилуллоҳ” ёзувли муҳри босилган. Шунингдек, 36 та кичик муҳр бўлиб, унда ҳам “вақф фисабилуллоҳ 1287” деб, унинг ёзилган санаси ҳам кўрсатилган. Оятлар ўртасида 36 жойга ой тамға, ёй, қуёш рамзлари тилло рангда босилган. 1763 та майда тамғаси ва 816 жойда кичик юлдузлар акси бўлиб, булар турли рангларда дид билан безатилган. Булардан ташқари, подшо Россияси даврида чоп этилган Фарғона водийси тарихи ва табиатига оид В.П.Наливкин, В.И.Кушелевский, А.П.Федченко, И.В.Мушкетов ва

М.А.Миддендорф каби тадқиқотчиларнинг асарлари ноёб манба сифатида сақланади[7].

Маълумки, сопол буюмлар моддий маданият тарихини ўрганишда энг асосий манба бўлиб хизмат қилади. Зотан, археологик буюмлар коллекциясининг катта қисмини сопол буюмлар ташкил этса-да, халқ амалий санъати намунаси сифатида ўта қадрланувчи сопол ва чинни буюмлар учун музейда алоҳида коллекция бўлим ташкил қилинган. Мазкур коллекция бўлими 1938 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. Ҳозирги пайтда бўлимда 4 мингдан зиёд сопол ва чинни буюмлар сақланади. Улар орасида XVIII-XX асрларга оид Риштон, Ғурумсарой кулолчилик мактаби буюмларининг нодир намуналари, Хитой чинни буюмлари, Россиянинг Ф.Гарднер, М.Кузнецов ва И.Дмитрий фабрикаларида ишлаб чиқарилган чинни буюмлар борлигини қайд қиламиз. Шунингдек, замонавий безакли сопол буюмлари ва Қувасой чинни заводи маҳсулотлари бўлимнинг катта қисмини эгаллайди.

Ёғоч буюмлар коллекцияси музей ташкил қилинган дастлабки кунлардан бошлаб, тўлдирила бошланган. Ушбу коллекцияда ҳозирги пайтда 1500 дан ортиқ экспонатлар сақланади. Алоҳида фонд – коллекция бўлими сифатида 1970 йилдан буён фаолият кўрсатади. Ушбу бўлимда XIX аср ва XX аср бошларига оид ёғочсоз усталар томонидан ишланган кўплаб ноёб буюмлар бор. Коллекциянинг илк экспонатларидан бири – Шаҳрихон волости бошқарувчиси томонидан топширган ёғочдан ишланган “ҳаккалковуш”дир ҳамда доктор А.Г.Смирнов коллекциясидаги ёғоч буюмлар, дурадгорлик асбоблари, болалар ўйинчоқлари, бешиклар, миллий чолғу асбоблари ва кўплаб ҳунармандчилик дастгоҳлари ушбу бўлимнинг асосини ташкил этади. Шунингдек, қўқонлик машҳур ёғоч ўймакор устаси Қодиржон Ҳайдаров ва унинг шогирдлари томонидан ишланган хон тахта ва стуллар, Дукчи Эшон масжидидан келтирилган нақшинкор эшик ҳам ўрин олган.

Металл буюмлар коллекцияси бўлими 1938 йилдан фаолият кўрсатади. Ҳозирги пайтда ушбу коллекцияда 3000 га яқин металл буюмлар сақланмоқда. Бўлимда темурийлар давридан ҳозирги пайтгача бўлган металл (асосан бронза ва мис) буюмлар ўрин олган. Уларнинг аксарияти маҳаллий мисгарлик мактаби вакиллари (Қўқон, Марғилон, Чуст, Наманган, Андижон) томонидан XIX-XX асрларда ишланган анъанавий услубдаги мис буюмларидир. Бухоро, Хива, Эрон усталари томонидан, айниқса Россия фабрикаларида XIX асрнинг иккинчи ярми ва

XX аср бошларида ишлаб чиқилган турфа шакллардаги мис идиш ва самоварлар ҳар бир томошабиннинг диққатини ўзига тортади.

Музейнинг мато буюмлари коллекциясидаги дастлабки экспонатлар 20 дан кийим-кечакдан иборат бўлиб, 1896 йилда намойиш этилган. Алоҳида коллекция бўлими сифатида 1922 йилдан қайд этилади. Ҳозирги пайтда мазкур бўлимда Марказий Осиё, хусусан Фарғона водийси халқларининг тарихий аҳамиятга молик нодир кийим-кечаклари ва газламаларидан иборат 2000 га яқин экспонат мавжуд бўлиб, унинг негизини XIX асрга оид миллий-анъанавий кийимлар ташкил этади. Шунингдек, XIX асрга оид каштачилик, читгарлик, ипак маҳсулотлари намуналари ёки фабрикада тайёрланган замонавий кийимлар, “Ёдгорлик” тўқимачилик фабрикасида тўқилган ипак матолар, давлат арбоблари, таниқли санъат намоёндалари ва бошқа тарихий шахсларга тегишли кийим ва буюмлар мато бўлимини беэаб турибди. Музейда Фарғона, Марғилон, Қўқон, Андижон, Чуст, Наманган дўппиларининг 100 дан ортиқ намунаси сақланади. Шакл ва гуллари жиҳатидан жуда хилма-хил чиройли ҳамда безаклари, тикилишига кўра ўзига хос бу дўппилар XIX аср ва ҳозирги даврга оиддир. Коллекцияда намойиш этилаётган матоларнинг тури 50 дан ортиқ бўлиб, атлас, адрас, олача, банорас, беқасам, шойи, гулбосмалар жилоси ва гўзалликлари билан ажралиб туради. Музей заҳирасида XIX-XX ва XXI асрлар бошларига оид 200 дан ортиқ каштачилик намуналари тўпланган.

Музейнинг заргарлик буюмлари коллекцияси бўлимида 500 дан ортиқ экспонатлар мавжуд. Бу буюмлар XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмига оид бўлиб, дастлабки заргарлик буюмлари этнография бўлимига, яъни музей ташкил қилинган йили ҳаваскор ўлкашунос К.А.Рудановский томонидан тақдим қилинган эди. У топширган маҳаллий заргарнинг икки дана кумуш узуги ушбу бўлимнинг ташкил топишига асос бўлди! Ушбу фонд 1970 йилдан алоҳида бўлим сифатида қайд этилган.

Дарвоқе, музейнинг қурол-аслаҳалар коллекцияси бўлими 1970 йилдан фаолият кўрсатади. Ушбу бўлим ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бўлимда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрда ишлаб чиқарилган тиғли қуроллардан: қилич, ханжар, чопқи, болта, тўқмоқ; ўқотар қуроллардан: пилта милтиқ, револьвер, пистолет, ов милтиқлари, жанговар милтиқлар, автомат; портловчи қуроллардан: мина, граната, миномёт ва пулемёт ўқи ва ўқдонлари, жами 150 дан ортиқ қурол-аслаҳалар жамланган.

Бизнингча, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик коллекцияси бўлими музейнинг дурдонаси бўлиб ҳисобланади. XIX асрда яшаб, ижод қилган фарғоналик рассомларнинг асарларидан намуналар, шунингдек ўз ижоди билан элга танилган рассомларнинг асарлари бўлимда муносиб ўрин эгаллаган. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, гобеленлар ушбу коллекциядан ўрин ола бошлади. Ҳозирги пайтда коллекцияда 2000 тадан ортиқ тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва гобелен асарлари сақланади. Коллекциянинг вужудга келишида рассомлар: Л.Л.Бурэ, П.М.Никифоров, Н.Н.Янцин, А.Н.Волков, Н.В.Кашина ҳамда Е.С.Чернявскаялар томонидан совға қилинган асарлар катта роль ўйнаган. 1938 йилдан бошлаб, музейда Санъат фонди ташкил этилди ва унинг негизида тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари сақланадиган бўлди. Доктор К.Биркиннинг коллекциясидан туркум ҳайкаллар, замонавий ҳайкалтарошларнинг асарларидан иборат бўлган ушбу бўлим ўзида ҳозирги пайтда 100 дан ортиқ сара намуналарни бирлаштиради. Улар орасида А.Капцан, П.Иванов, В.Волков, Э.Алиев, В.Шебатков, О.Раҳимовларнинг асарлари алоҳида аҳамият касб этади.

Фарғонада санъатнинг гобелен турига 1960-70-йилларда қизиқиш уйғониб, ўзбек бадий тўқимачилик санъатининг минтақавий ривожланиши билан уйғунлашиб кетди. Тасвирий санъат коллекцияси бўлимида 50 га яқин гобеленлар сақланмоқда[8].

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарори асосида Фарғона вилояти Ўлкашунослик музейи негизида қайта ташкил этилди[9].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Axmedov J. Farg'ona vodiysidagi tarixiy-madaniy yodgorliklarni muzeylashtirish (XIX–XXI asrlar). Toshkent. “Fan ziyosi”, 2022. 42 b.
2. Ахмедов Ж. Водийдаги музейлар // Тафаккур. 2013. №3. 122-123 бет.
3. Альмеев Р.В. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. Ташкент, 2007. С. 24.
4. Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. Ташкент. Фан, 1975. С. 43.
5. Ахмедов Ж. К вопросу изучения музейного дело в Ферганской долине (на примере областных краеведческих музеев) // “Научная дискуссия: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии” XIII Международная заочная научно-практическая конференция. Москва, 2013. С. 68-72.

6. Ахмедов Ж. Ўлкашунослик музейи коллекцияси фаолиятининг ривожланиш босқичлари (Фарғона вилояти мисолида) // ЎзМУ хабарлари. 2015. №1/3. Ижтимоий гуманитар фанлар йўналиши. 60-62 бет.
7. Farg`ona viloyat o`lkashunoslik muzeyi (Al`bom). Toshkent, 2005. 56-b.
8. Холиқулов Р., Ахмедов Ж. Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи тарихидан // СамДУ илмий ахборотномаси. 2013. №6 (82). Гуманитар фанлар серияси. 17-21 бет.
9. <https://lex.uz/docs/3451889>